



Ozbekiston Respublikasi Sirdaryo viloyati Hokimi

Q A R O R

2013 yil 2 fevral

37-son

Guliston sh.

Сирдарё вилояти ҳокимининг 2012 йил 20 сентябрдаги 276-сонли ва Сирдарё тумани ҳокимининг 2012 йил 15 августдаги 2115-сонли қарорларини бекор қилиш тўғрисида.

Сирдарё вилоят прокуратурасининг 2013 йил 26 январдаги “Вилоят ҳокимининг 2012 йил 20 сентябрдаги 276-сонли ва Сирдарё тумани ҳокимининг 2012 йил 15 августдаги 2115-сонли қарорларини бекор қилиш ҳақида”ги протестининг ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосланиб, қарор қиламан:

1. Сирдарё вилоят прокуратурасининг 2013 йил 26 январдаги “Вилоят ҳокимининг 2012 йил 20 сентябрдаги 276-сонли ва Сирдарё тумани ҳокимининг 2012 йил 15 августдаги 2115-сонли қарорларини бекор қилиш ҳақида”ги протести ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг “Сирдарё тумани ҳокимининг 2012 йил 15 августдаги “Ҳақиқат ҚФЙ Ҳақиқат СИУ ҳудудида “VIKTORIYA BOGI” боғдорчилик фермер хўжалигини ташкил этиш ва Низомини рўйхатдан ўтказиш, вақтинчалик туман ҳокимлиги захирасидаги ерлардан ер майдони ажратиш тўғрисида”ги 2115-сонли қарорини тасдиқлаш ҳақида”ги 276-сонли ва Сирдарё тумани ҳокимининг 2012 йил 15 августдаги “Ҳақиқат ҚФЙ Ҳақиқат СИУ ҳудудида “VIKTORIYA BOGI” боғдорчилик фермер хўжалигини ташкил этиш ва Низомини рўйхатдан ўтказиш, вақтинчалик туман ҳокимлиги захирасидаги ерлардан ер майдони ажратиш тўғрисида”ги 2115-сонли қарорлари бекор қилинсин.

3. Сирдарё тумани ҳокими Б.Суванов га:

Келгусида фермер хўжаликлари ташкил этиш ва ер участкалари ажратишда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган “Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга амал қилган ҳолда, фермер хўжаликларига ер бериш бўйича туман ҳокимининг танлов ўтказиш тўғрисида қарорлари қабул қилиниши, танлов ўтказиш учун маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълонлар берилиши, фермер хўжаликларига ер бериш учун, ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясида кўриб чиқиш, баённомалар билан расмийлаштирилиши, фермер хўжалиги юритиш учун туман ҳокимининг қарори чиқарилиши, ушбу қарорни ва танлов комиссияси иши натижаларини вилоят ҳокими бошчилик қиладиган комиссияга юборилишини амалга ошириш таъминлансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Фозилов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими

О.Абшурматов